O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI HOKIMI QARORI

2022 - yil 16 - iyul 349-3-0-Q/22 Jizzax viloyati hokimligi

“Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси”ни бекор қилиб, 3,0 гектар ер майдонини Фориш тумани ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига давлат мулки сифатида тўлиқ ва қисман қайтариш ҳамда давлат рўйхатига олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш, вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2022 йил 24 июндаги 01/019-1117-сонли тақдимномаси, Фориш тумани ҳокимининг 2022 йил 29 июндаги 01-468-сонли хати ҳамда 1 нафар қишлоқ хўжалиги корхонаси раҳбарининг розилик аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5- ва 36-моддалари ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2022 йил 24 июндаги 01/019-1117-сонли тақдимномаси, Фориш тумани ҳокимининг 2022 йил 29 июндаги 01-468-сонли хати ҳамда 1 нафар қишлоқ хўжалиги корхонаси раҳбарининг розилик аризаси инобатга олинсин.

2. Фориш тумании ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига давлат мулки сифатида ер майдони қайтарилаётган қишлоқ хўжалиги корхонасининг рўйхати **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Давлат кадастрлари палатаси (**Н.Сидиков**)га захирага қайтарилаётган ер майдонини давлат мулки сифатида давлат рўйхатига олиш

вазифаси юклатилсин.

4. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Б.Бобоқулов**), Давлат кадастрлари палатаси (**Н.Сидиков**), “Жизвилерлойиҳа” вилоят бўлинмаси (**К.Холмуродов**), Фориш туман ҳокими **(И.Матиев)** билан биргаликда захира ерлар ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилаётган мазкур ер майдонини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 709-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” талабларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун очиқ электрон танлов орқали ижарага бериш чораларини кўрсин.

5. Фориш тумани ҳокими **(И.Матиев) уч кун ичида** 3,0 гектар ер майдонининг захира ерлар ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилаётганлиги туфайли 1 нафар қишлоқ хўжалиги корхона раҳбарини огоҳлантирсин.

6. Фориш туман ҳокими **(И.Матиев)**га иловада кўрсатилган ўз розилик аризаси билан ер майдонини қисман захира ерлар ҳисобига қайтараётган қишлоқ хўжалиги корхонаси билан тузилган “Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси”га ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

7. Барча хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи корхоналар раҳбарларига иловадаги ердан фойдаланувчиларнинг ер майдонлари Фориш тумани захира ерлари ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилиши муносабати билан ўзаро ҳисоб-китобларни кўриб чиқиб, якуний хулосани **уч кун муддатда** вилоят ҳокимлигига тақдим этсин.

8. Иловада кўрсатилган МЧЖ, фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ва ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганлиги тўғрисидаги аризанинг ҳаққонийлиги учун жавобгарлик вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи **Б.Бобоқулов** ва бошқарма бошлиғи ўринбосари **И.Эргашев** ҳамда Фориш тумани ҳокими **(И.Матиев)**лар зиммасига юклатилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари **О.Ашурматов** ҳамда вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи **Б.Бобоқулов** зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Э.Салиев**

Jizzax viloyat hokimining
2022 yil 16 iyuldagi
349-3-0-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Жиззах вилояти Фориш туманидаги ер майдони қисман эҳтирожга олинаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси

РЎЙХАТИ

№	Туман ва фермер хамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарни номи	Раҳбари Ф.И.Ш	Ихтисослиги	Ер майдони жойлашган массив номи	Контур рақами	Жами ер майдони	Шу жумладан:								Шундан эҳтирожга олинади			Эҳтирожга олинаётган дала майдони, га	Контур рақами	Шу жумладан:							Вилоят ҳокимлигида рўйхатга олинган эҳтирожга олинишига асос бўлган ҳужжат ҳамда ариза рақами ва санаси
							суғли	лалми	бог	ўтлоқ	ўтлоқ-ботқоқ	Қўш йиллик дарахтзорлар	яйлов ерлар	бошқа ерлар	Контур рақами	Умумий ер майдони, га	шундан, эҳтирожга олинган ер майдони, га			суғли	лалми	бог	ўтлоқ	ўтлоқ-ботқоқ	Қўш йиллик дарахтзорлар	яйлов ерлар	бошқа ерлар	
1	"BOGTDON AGRO BIZNES" МЧЖ	А.Нарзиев	Уқувчанлик, хайвончилик, полвончилик	Учқудуқ, Осиёнкой, Нурли МФЙ	71,78,80a,81,83,84,85,98,102,133,613a,614a,615a,616a,616b,699a,701,703a,712a,714,717, 718,719,722,723a,894a,695,688,686,686a,689, 696,697	1717,0		472,6						1198,5	45,9	685к	3,0		1714,0	71,78,80a,81,83,84,85,98,102,133,613a,614a,615a,616a,616b,699a,701,703a,712a,714,717, 718,719,722,723a,894a,685к,688,686,686a,689, 696,697		472,6					1195,5	45,9	22.06.2022 № 7354-ш
1	**Туман бўйича жами**					**1717,0**		**472,6**						**1198,5**	**45,9**		**3,0**		**1714,0**			**472,6**					**1195,5**	**45,9**	

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29
Фориш тумани																												